Уз
М55

# Мирмуҳсин

2

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ

Тошкент—1971

# МИРМУҲСИН

## ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

УЧ ТОМЛИК

821.512.133
М 56

# МИРМУҲСИН

TOSHKENT SHAHAR YASHNOBOD TUMANI
№ 23369
AXBOROT-KUTUBXONA MARKAZI

## ИККИНЧИ ТОМ

### ДОСТОНЛАР

*МУАЛЛИФДАН*

Халқимиз бадиий адабиётимизнинг бошқа шаклдаги асарлари билан бир қаторда қадимдан достон ўқиш ва тинглашни севади. Ёзма ёки оғзаки достонларимиз халқ ичида кенг тарқалгани ҳаммага маълум. Мен ҳам ана шу улуғ анъанага ҳавас билан қараб, достон жанрини жуда севдим. Қўлимдан келганича ёздим ва уларнинг сони катта-кичик бўлиб йигирмага етибди: («Уста Ғиёс», «Қадрдонлар», «Ватан қизи», «Дўпан», «Яшил қишлоқ», «Абдулла Набиев», «Қамар», «Луиза фожиаси», «Ойша хола», «Луқмон ва Ўроқбой», «Венесуэлалик Тереза хоним», «Овесто», «Қизил олма», «Бобир ва бир тилим Фарғона қовуни», «Туёқбой», «Ибн Сино ва суяк тиқилган подшоҳ», «Чўлуқнинг ҳалокати», «Зиёд ва Адиба», «Широқ» «Невара»).

Қўлингиздаги жилдга тўрт асар кирди.

Эллик ёшга тўлишим муносабати билан асарларим уч жилдда нашр этилаётгани учун Партия ва Ҳукуматимизга чин юракдан ташаккур айтаман!

# УСТА ҒИЁС

## *Биринчи боб*

### КОЛХОЗ МАЖЛИСИДА

Қош қорайгач, барча йиғилди:
Мактаб, ферма, ҳамма хонадон...
Келмайдиган отбоқар ҳам келди,
Темирчилар устахонадан,
Лиқ тўлганди идора ичи,
Бутун колхоз эди жамулжам,
Келган эди Эшмат тракторчи,
Келган эди Аппон ота ҳам.

Президиумда: раис, ҳосилот
Ва райкомдан келган бир жувон.
Стол ёқасида ўтирарди
Колхоз секретари Ойимхон.

Жой тор эди. Ана, туриб қолган
Туғонбойнинг қурир тинкаси.
Гоҳо, гапни-гапга қовуштирмас
Чақалоқнинг инга-ингаси...
Уй ичи дим, тутун.
Тракторчи
Ҳадеб чекар эди тамаки.
Бир бурчакка ўтириб, тинмай
Йўталарди Аппон амаки.
Ташқарида: дала сутдек ойдин,
Кўтарилмиш ўн беш кунлик ой.
Вовиллайди қишлоқ итлари,
Гувиллайди тегирмон ва сой...
Қисқагина маърузадан сўнг,

Раис турди:
«Қимда бор савол?»
Орқароқда мизғиб қолган экан,
Бирдан чўчиб тушди Аппон чол.

Бир нафасга жим қолди барча,
Раис бир-бир қарар ҳар юзга.
«Қани... бир нима денг,— деди раис —
Қани бошланг Уста, сўз сизга!»

Уста Ғиёс ўрнидан турди,
Одамларга ташлади бир кўз.
Аста минбар томонга юрди:
— Айтсам-айтай икки оғиз сўз:
Звеномдан Турди, Ашурлар,
Асакага қочишиб кетди:
«Бу тўқайга эсиз шунча меҳнат,
Эсиз ўтган умримиз», депти...

Хўш,
Бошида гап шундоқмиди?
Шундоқмиди бизнинг ваъдамиз?..
Мана, ўзи сўз бера туриб,
Қочиб кетди, шошма, бетамиз!

Ҳа, жонимиз ўнтами бизнинг!
Икки келамизми дунёга?
Икки одамимиз кетса-ю,
Миқ этмаймиз!
Хўш, раис, нега?

Умарқул ҳам қайтармаганмиш...
Ўринлатган эмиш ишни хўп.
Ноинсофлар!
Наҳотки қочса,
Наҳот ташлайдилар кўзга чўп?!

Мундоғларнинг баҳридан ўтмоқ!
Кўрасанки, юрт қил устида.
Шундай кунда «чий» деганларни —
Номард дейди,
гапнинг рости-да!
Дўст — қайғунгни бўлишса, у — дўст,

Мундоғлардан ҳамма уялар!
Ёмон кунлар ўтар-кетару
Юзларингнинг куйгани қолар!..

Машинага мўл пайт ҳам келар,
Ўғиллар ҳам қайтишар жангдан.
Эл қарғиши, ҳой ноинсофлар,
Бир кун маҳкам тутар ёқангдан!

Тутақасан, тажанг бўласан
Гоҳо қуя қоласан нолиб.
Ушласангу, тепсанг бўрсуқдек
Оёғингнинг остига олиб!

Қочоқларга чора кўрилсин!
Жимиб қолсак иш яна ёмон.
Аппонвой ҳам тузук ишласин,
Шунинг билан гапим ҳам тамом...»

## *Иккинчи боб*

### КУЗ

Буғотларда қиров ялтирар,
Далаларга ястанмиш туман.
Худди қишдек, одам қалтирар —
Чўққиларда қор олмоссимон.

Ўрик барги тугал тилла ранг,
Дарахтларни саваларди куз.
Чорбоғларда азим ёнғоқлар,
Сой бўйида қайрағоч баргсиз,
Учишади қарғалар «қағ-қағ»,
Чирқиллайди саҳархез чумчуқ.

Қизалоқлар ҳамон супурар,
Талашишиб-тортишиб чечан...
Ҳув, ана Нор ота саҳарлаб
Ўз томига босмоқда пичан.

Уйғонади колхоз қишлоғи,
Даканг хўроз қичқирган боя.

Мўрилардан тутун буркади,
Гур-гур ёнар қоқ ғузапоя.

Теримчилар далага чопар,
«Эртанги қор» хавфи қўрқитмиш.
Теримчилар шошиб ишлашар,
Пахтазорда доим жадал иш.
«Осмон булут, эрта ёмғир-қор»,
Колхозчининг хавфи шу фақат,

Энтикар у, ишга ошиқар,
Томоғидан ўтмайди овқат.
Изғиринда кўкарар юзи.
Қўл ёрилар, оғир ҳар нафас,
Теримчига бу ҳеч гап, фақат
Намгарчилик бошланмаса бас!

Тера-тера толар...
Шунда ҳам
Бир чаноқни қолдирмас чала.
Бас, у учун фақат иш чоғи
Бошланмаса ёмғир, сел-жала.

Теримчилар далага чопар,
Тарқалади қўшиқ ҳамоҳанг,
Қўшиқ билан иш бошланади,
Қўшиқ билан отади ҳар тонг.

Илк шуълалар тушди далага,
Кўтарилар ҳовур нам ердан.
Қушлар учди. Аллақаерда
Гуриллади трактор бирдан;
Учиб кетди қарғалар қағ-қағ...
Теракларга беркинди чумчуқ.

Уста Ғиёс турди эрта билан,
Сесканмади тонги совуқда.
Юзин ювди, роса кўпиртириб
«Ландиш» деган атир совунда.
Даканг хўроз қичқирган боя,
Мўрилардан буркади тутун.
Гур-гур ёнар қоқ ғузапоя,
Тишда совуқ, . . . .
Қишдек бўлди кун.

Этик кийди. Белда белбоғи,
Юпқа тўнни солди елкага.
Оғрир эди бели, оёғи,
Уста билмас, оғрийди нега?

Агар чарчаб қолмаса эрта,
Бугунгига етади кучи.
Чарчашини сезару, лекин
Кексаликни бўлар енгмоқчи.

— Ҳор-манг-лар-ў-ў-ў.
— Саломат, Уста...

Ишга урди ўзини шу дам.
Алпанг-талпанг кўзни уқалаб,
Етиб келди Нор амаки ҳам.
Териларди сўнгги кўсаклар,
Уста ишга берар эди зўр.
Ана,
Тупроқларни чайнаб, бақириб
Катта ерни ҳайдар трактор.

Гуриллайди шийпон қаршисида
Кўсак тозаловчи машина.
Колхозчилар севар уни жуда.
«Колхозчига бебаҳо ошна».

Тоғ-тоғ қанор унга эмас чўт.
Асл экани ишидан қиёс;
Пахтакорга қўл келгандир хўп,
— Бебаҳо бу!— дер Уста Ғиёс.

## *Учинчи боб*

### ТЎРИҚ ОТ ҲАҚИДА

Чойхонадан бир оз нарида
Ботиб қолди ботқоққа тўриқ.
Аравакаш ҳадеб кучанарди,
Қамчиларди, урар эди дўқ.

Шилт-шилт тушар юлғунсоп қамчи...
Ботқоқдан ҳеч қўзғалолмас у.

Кучи етмас, типирчилар, тояр,
Қамчи тушар: «Чу, ҳароми, чу!»
Хириллайди, бути керилган,
Бўйинчаси бўғар
Сувлуғини чайнар,
Аранг олар нафасини ҳам.
Аравакаш урар,
Соли ҳа-ҳалар...
Тепасига йиғилди одам.

Ҳой Болтавой, нега қамчилайсан?
От уволи тутгур, гўрсўхта!
Ўзгинангни савалаш керак,
Қўлингни торт, ноинсоф, тўхта!
Елкасидан кетмонни ерга
Қўя солиб югурди Уста.
— Савалама, нима гуноҳ қилди,
Қўлингни торт, ноинсоф, тўхта!
Лойга тушди югуриб шу чоғ,
Зил шотини кўтарди озот.
Чармин қирқди суғуриб пичоқ,
Бир депсиниб турди лойдан от.
Юриб чиқди ботқоқдан четга
Аранг босар у туёғини.
— Раҳмат, Уста, — деди аравакаш, —
Ўзим қиламан бу ёғини.

— Ҳа-ҳа... Боплабсан-ку, кўриниб қопти
Жониворнинг қулоғидан кун!

Бирдан қаттиқ тажанглиги тутиб,
Уста Ғиёс кўтарди шовқин:

— Ҳе, ўша сенга от топширганни...
Уравер! Чунки колхозники-да!
Кучинг ҳали шунга етдими?!
Кучинг ошиб қолибди жуда!

Курканики каби тўрлама, узун
Бўйнин чўзиб келди Аппон чол.
Ранги ўчган, кўкраги очиқ...
Зарда билан носни тупурди.
Қўлин пахса қилиб Устага

Ғудуллади, шундай дўқ урди:
— Сенга нима! Аравакаш ҳам,
Жавобгар ҳам Болтавой экан.
Ё раислик даъво қиласанми?
Етар бизга битта каттакон!
Қўйлардан ҳам бизда қўйчивон кўп,
Ўҳ-ҳў, бунинг дўқини қара!
Ҳа, червонинг куйиптими, мунча!.
Умумники бу от-арава!

Раис келди. Чанг этигини
Тап-тап урди:
— Ўзи нима гап?
— Тинчлик,
Фақат тўриқ ботипти...
— Шунга шунча шовқинми, ажаб!

Ия, жонивор, бизнинг тўриқми?
Суяк бўлиб қопти-ю, қоққа...
Тиши қонми?
— Ҳа,— деди Уста,—
Ёмон кучи етар япалоққа...

Қаранг, отлигига минг пушаймон,
Ўлсин агар ўхшаса отга.
Айтинг, аввал қандай эди, миниб
Борса бўлар эди Маскопга.

Қараб туриб жонинг ачиркан,
Наҳот тушса шу алфозга от.
Ҳа, Дўсматбой!
Шундай бўлишига
Болтавойнинг ўзи бенавот;

Шундай кетаверса иш пачава,
Ҳеч бўлмайди биримиз икки.
Планни ҳам бажаролмаймиз,
Омад кетар.
Ё гапим чакки?

Тўртта-бешта шундоқнинг касри,
Нонимизни асло қилмас бут.
Қўшни колхозларнинг олдида
Бўлар бизнинг юзимиз шувут.

Уруш дейсиз, одам йўқ дейсиз,
От-улов йўқ... яна ва яна...
Бу сўзингиз ялқовларга ёқар,
Бешармларга арпа баҳона...

Ишларимиз доим ўлда-жўлда,
Ишларимиз доим пойма-пой,
План издан чиқди, чамамда,
Кўзингизни очинг, Дўсматбой!

Бир синчиклаб, бундоқ қарамайсиз,
Нега бундай? Ўзи нима гап?
Нега бунчалик нонкўрлик қиламиз,
Сабаб нима?
Ё тавба.
Ажаб?!!

Яна бирдан тажанглиги тутиб,
Гапга аралашди Аппон чол.
Қўли пахса,
Кўкраги очиқ,
Ранги ўчган, лабда титроқ бор.
Гапирганда сачрар тупуги,
Сўз ғарғара бўлар оғзида.
Тўғон ота имо қилди:
«Ҳой, жим!»
Сўзи чиқмай, қолди бўғзида!

— Уста,— деди раис,—
Гангиб қолдим,
Қайдан бошлай, билмайман, ишни.
Тўғри, ишнинг калаваси бузуқ,
Тополмайман ипнинг бошини.
Баққа юринг, қани, Уста Ғиёс...

Улар аста юрди идорага;
Раис, Уста, Тўғон ва Аппон.
Аравакаш ҳам кирди орага,
Уста қалби тўла ҳаяжон;
Улар аста борар бир қатор;
Сукут тушди ўртага бир дам.
Бир хил эди ният ва лекин
Бир текисда тушмасди қадам:

Биров отдек юрар ва биров
Ўрдак каби лапанглар эди,
Биров бўлса худди тошбақадек
Судраларди тегиб ғашингга.
Шуни кўриб туролмасди тек,
Уста Ғиёс чидолмас шунга.

Бизга керак отдек юрувчилар,
Қерак машиналар қадами.
Тоғни урса талқон қилувчилар —
Шундай бўлсин колхоз одами!

## *Тўртинчи боб*

### ҚИШ

#### I

Титратади совуқ изғирин,
Бурқансанг-да, ачир эди жон.
Туф, деганда, тупук қотади,
Музламишди гўё бор жаҳон.

Қуруқ қорни шамол учирар,
Изғиринлар елади ғув-ғув.
Узун-узун тераклар жимжит,
Ариқларда музламишди сув.

Бурқансанг-да, ачир ширин жон,
Тиш такиллар, дириллайди лаб.
Узун дала йўлида ёлғиз
Уста Ғиёс борар жадаллаб.

Оёғида солдатча этик,
Қулоқчинни киймиш бостириб.
Совуқ билан олишар, шошар,
Қўлларига куҳлар, тез юриб.

Мўйлабида йилтирар қиров,
Устда ўша эски фуфайка.
Енгилликда у мисоли қуш,
Иссиқликда мисоли печка.

У буғдой ранг,
Қотма,
Ўрта бўй...
Ортиқ ери: бир малла мўйлаб.
Лекин унга ўхшаш одамлар кўп,
Ўхшашларни кўрганман кўплаб.

Бешиксўпоқ бошида сочнинг
Қорасидан кўпроқдир оқи.
Сертомир ва қадоқ бармоқнинг
Эгри ўсар эди тирноғи.

Ғадир-будир, дағал қўлнинг
Териси ҳам қотган, худди чарм.
Лекин келишади, қовушади
Шу дағал қўл игна чатса ҳам.

Ўйнаб чиққан бўйин томирлари,
Бу — кексалик. Аммо тик қадди.
Манглайида қават-қават ажин,
Тахлангандек йиллар заҳмати.

Ҳаво очиқ,
Кўм-кўк ва аччиқ...
Дарахтларни босмиш булдуруқ.
Жиндак нам йўқ,
Қордир ҳамма ёқ,
Ҳамма ёқ қор —
Оппоқ ва қуруқ.

Ана, келар қўқонарава,
Ғижиллайди, гупчак чинқироқ.
Шовдирайди отнинг чачоғи,
Лой — тош каби,
Йўллар қатқалоқ.

Аравакаш ўтирар жунжиб,
Совуқ шамол учади ғув-ғув...
От пишқирар, халлослар, тояр,
Зўрға тортар аравани у.
Буркансанг-да, ачир ширин жон,
Тиш такиллаб, қовушмайди лаб.
Узун дала йўлида ёлғиз
Уста Ғиёс борар жадаллаб...

II

### УСТА ҒИЁС

Ҳой, қулоқ бер, бидирлама! Бас!
Бундай қилсанг, хафа бўламан.
Ўртамизда хусумат йўқ-ку,
Кеча кўрибманми сани ман!
Якка-якка чиқиб ваъда бердик,
Ваъда берган ўзингми, Ашур?!
Иккитами юзинг ҳали? Ким
Давлат билан бундоқ ўйнашур?!

Бош кўтарди Ашур. Наматга
Пиёланинг тагини сепди.

### АШУР

Олақарға юриш қиламан,— деб
Жибилажибоннинг йиртилар бути...
Ҳар доим дўқ... Гапиргани бир хил,
Жонга тегди у эзма тўти!

Бошқа ҳосилотларни ҳам кўрдим,
Бизникига ўхшаса ўлсин!
Кейин дедим:— Бу тўқайингни
Нақ елкамнинг чуқури кўрсин!..

Туф, деганман, қайтиб олмайман!
Қолганини пешонамдан кўрдим.
Лекин, Уста, ўзингиз биласиз,
Колхозим деб елдим, югурдим...

Чойнак қопқоғини урди Ашур,
«Самоварчи, бу ёққа бир чой!»

### УСТА ҒИЁС

Катта мажлис бўлди, правление
Мени сенга юборди, Ашур.
Мана, уйинг-жойинг.
Колхозинг,
Ишлар яхши, яна ўйлаб кўр!

Раис сенга салом айтган эди...
Омбор буғдой билан лабба-лаб.

Райком шахсан оталиққа олган,
Олиб борар қўллаб-қўлтиқлаб.

Кеча кўрибманми ман сани?
Ёки кеча танишдикми биз?
Бирга ўсдик. Қишлоқ кўчамизда
Тупроқ ўйнаб, ёқа йиртганмиз...

Кўрмабмизми яхши кунларни?
Тўғри бўладими шундоқ десак?!
Наҳотки биз жўн одамлармиз —
Оғир кунларга ҳеч яролмасак?

Майда гапга берма эътибор,
Тажанг бўлма, сиқма ўзингни.
Чақалоқ кафтида игна — у ханжар,
Бизнинг қадоқ қўлда игна у — игна.

Тушунаман, лекин ўзинг ўйла!
Биз не учун кўчиб келган эдик?
Ваъда берган эдик ишонтириб,
Қийинчиликни ҳам билардик.

Ҳо-о-ой!
Бир киши ариқ қазийди,
Мингта одам ундан сув ичар.
Ниятимиз эмасмиди шундай!
Ваъда қилдинг; ваъдани бажар!

Борки... Сен билан мен қочиб кетдик,
Шунинг билан колхоз тамомми?
Йўқ, Ашурвой! Эҳтимол учгандирсан
Игвосига бирор ёмоннинг...

Ниятимиз жуда холис эди,
Ўртадайди ҳатто битта нон.
Ёш эмассан, ачитиб айтаман;
Ҳа, Ашурвой, бўлибсан нодон!

Чакки қилдинг, «сан-ман»га бординг.
Ёш бўласан, хўш, қачонгача?

Дўстларинг-чи? Локин, ҳали ҳам
Соянг учун ёзар кўрпача...
Қўй, оғайни! Сен билан мендан
Ҳалол меҳнат қолар дунёда.
Дўст дўст учун заҳар ютар деган—
Беш тош ерни босдим пиёла.

Ашур боши қуйи ва жимжит,
Миқ этмасдан пиёла ўйнар.
Пешонаси тиришар, гоҳо
Чаккасини қашлар ва ўйлар...

— Қўй, нонкўрлик қилма, уна!
Энди гапирмайман зўрласанг ҳам...

АШУР

Чакки ишлармидим, айтинг Уста?
Шу... гапдан сўнг бўлиб қолдим танг.

УСТА ҒИЁС

Ҳамма сиринг менга аён, Ашур,
Шунақа, сув кўтармас сирканг...

Бир гап етар, икки — ортиқча,
Чакказарбсан ўлгудай ўзинг.
Мундоқ гапларимга қулоқ сол,
Юмилмасин, очилсин кўзинг!

Ахир, дўстим, бурунни сассиқ деб —
Кесиб ташлайсанми? Қани айт?!
Ҳар на қилса, сендан ортиқроқ,
Йиртганим бор икки кўйлакни.
Деҳқонмиз-а, совутиб қўйма
Бу азамат, чапдаст билакни!
Эшак миниб туёқ тагин кўрма,
Туя миниб олисни кўзла!
Бу... ғаламис беданангни ташла!
Гапларим ҳам келмасин малол.
Бунда топгин минг танга... Ошна,
Колхоз берган биттанга ҳалол!

TOSHKENT SHAHAR YASHNOBOD TUMANI * AXBOROT-KUTUBXONA MARKAZI *
№ 23369

АШУР

Энди Уста, бўлар иш бўлди,
Қайтишга ҳеч чидамас юзим?

УСТА ҒИЁС

Йўқ, уялма, биров ғинг деса,
Мендан кўргин. Кафилман ўзим.

АШУР

Қани, Уста, ҳовлига борамиз,
Яна гаплашамиз, ҳа, бўпти...
У бошини кўтарди, ерга
Пиёланинг тагини сепди.

Бир қиш куни,
Эрталаб Ашур
Тўрт ғилдирак аравани қўшди.
Бор-йўғини юклади унга,
Хотин, бола-чақа ҳам тушди.
Бир чеккада Уста ўтирар,
Тил тагига ташлаган носдан.
Бир силтади тизгинни:
— Ҳа-чу!
Ғилдираклар кўчди бехосдан.

Дамни кесар ҳавонинг заҳри,
Буркансанг-да, ачир эди жон.
Туф, деганда тупук қотади,
Музламишди гўё бор жаҳон.

Узун-узун тераклар жимжит,
Ариқларда қотган эди сув.
Қорни тўзон каби учириб,
Совуқ шамол еларди ғув-ғув...
От халлослар, отнинг бурнидан
Чиқар эди бир самовар буғ.
Жониворни хўп терлатарди,
Юк,
Қатқалоқ,
Қақратон совуқ...

## *Бешинчи боб*

### ТРАКТОРЧИ

Роса эзиб ёмғир ёғарди,
Кеча ўхшар эди баҳорга.
Бирдан қаттиқ совуқ шамол туриб,
Майда ёмғир айланди қорга.
Ҳамма ёқ лой, ивиган, шилта,
Нам ер дарҳол ютарди қорни.
Бирпасдан сўнг
Кўприк,
Мўрилар,
Тақир ерлар,
Томлар оқарди.

— Қани, турдик!
Аппон чол билан
Уста идорадан чиқишди.
Худди аёл каби титратарди,
«Аҳмон-даҳмон»— охири қишнинг.

Ер нон каби бўккан ёмғирда,
Ивиган ер тутмасди қорни.
Уста Ғиёс этиги билан
Бир ботмон лой кўчиб чиқарди.

Йўл четида турар ЧТЗ,
Атрофида икки бензин баки.
Уста билан Аппон ота тез
Тракторга боришди яқин.

Эшмат тракторчи ётар ерда,
Фуфайкаси, этиклари лой...
Бетларига қараб бўлмас эди,
Юзи, қўли, эгни қора мой.

Чалқанчаси ётиб, тракторнинг
Бир винтини ҳадеб бурарди.
Ярми тракторнинг тагида,
Кучанарди, тиқ-тиқ урарди.

Ерга михлаб қўйилган каби
Қимир этмай трактор турар,

Эшмат тракторчи хит бўлиб,
Эрталабдан бери унналар...

— Ҳорма, Эшмат!— деди Уста Ғиёс,
— Салом,— деди ёнбошлаб ерга.
— Маҳкамлаб ур. эгар-жабдуқни,
Бу азамат қорабайирга.

Мўйлабини чайнар,
Чўкка тушиб,
Тикиларди — тўғрида мотор.
Ҳа, бу қўқонарава эмас,
Ҳа-ҳалашиб бериша мадор.

Киноялн назар ташлар шу дам
Ва гап отар Аппонга Уста:
«Юра берган эканмиз-да, ошнам,
Дўппимизни қуйиб яримта.

Сен билан мен газет ўқий олиб,
Ҳисоблабмиз ўзликни олим.
Эҳа-а-а, битта тракторнинг ўзи
Илм бўлар экан бир олам».

Тракторчи ётар ёнбошлаб,
Юз-қўллари бўлган қора мой,
Ишлар эди қор ёғса-да, терлаб,
Ишлар эди азамат тинмай.

## *Олтинчи боб*

### УСТА ҒИЁС ОҒРИБ ҚОЛДИ...

Уста Ғиёс оғриб қолди бирдан,
Мана уч кун, ёстиқда боши,
Пешонаси мисдек қизийди,
Суяклари зирқираб оғрир,
Совиб қолар курсида оши...

Чангалдаги қушдек қалб нотинч...
Ётар, турар, безовталанар.
Аллакимни кутаётгандек
Тиқ этса ҳам эшикка қарар,

Дард зўр келар, Уста латтадек
Бўшашарди, бўлса ҳам чайир.
Гоҳо иситмада босинқирар
Ва ғулдирар,
Кимнидир койир.

Мана, кун ёйилди. Айвон тўла
Навбаҳорнинг илиқ офтоби.
Лекин ёмон бўлди, шундай чоқда
Қочиб қолди Устанинг тоби.

Бориб келар беланчак ғирч-ғирч...
Кулиб ётар оппоқ невара.
Ўрик гули аро нур тушар,
Нурни қувлаш билан овора.

Рўмолини бураб-бураб Уста,
Манглайини танғийди маҳкам.
Барибир ҳеч фойда бермас эди.
Оғрир эди баттар яна ҳам.

Пешонаси мисдек қизийди,
Мана, уч кун ёстиқда боши.
Суяклари зирқираб оғрир,
Совиб қолар курсида оши...

Келинини чақирар:
— Қумри, ҳей!
Бу ёққа кел, кирингни қил бас.
Бугун бориб далани кўрай,
Не гап ўзи?
Кўрмасам бўлмас.

— Қўйинг, ота! Юриш мумкин эмас,
Ахир айтди тайинлаб доктор.
— Бугун тузук, иситмам ҳам паст.
Тураман мен!
Бораман!
Қўйвур!

Бориб келар беланчак ғирч-ғирч...
Кулиб ётар оппоқ невара.

Ўрик гули аро нур тушар,
Нурни тутиш билан овора.

Уста бориб кавушин кийди —
Ҳассасига маҳкам тиралиб.
Маст кишидек гандираклар эди,
Кўзи тиниб, тиззаси толиб.

Қўрғон жимжит,
Фақат икки товуқ
Титкиларди бурчакда гўнгни.
Ташқарига чиқиб кетди Уста
Боши гаранг, тушими, ўнги?

Юриб кетди далага аста,
Иситмада гангиб, довдираб.
Яккачўпдан аранг ўтди Уста,
Ушлаб қолар ҳассаси тираб.

Қуёш қиздирарди далани,
Дала улкан, кўринмас кети.
Кўм-кўк ўтлар бодраб чиқмишди,
Кўм-кўк эди ариқлар чети.

Йўл бўйида бир туп шафтоли
Ним ранг, пушти бўлиб гуллапти.
Уста ҳамон олға томон борар,
Борган сари ошарди тапти.

Кўзи қамашарди,
Юра-юра
Оёғидан кетди дармони.
Босиб-янчиб ташламоқчи бўлар,
Дард чирмашар, оғрирди жони,
Кўзи борган сари тинарди,
Чораси йўқ. Ўзи ҳам билди —
Звенога етолмади, йўлда
Кўзи тиниб, гуппа йиқилди.

Ҳув, катта ер ўртасида бир туп,
Оппоқ бўлиб гуллабди ўрик.
Кун қизитар, шудгор четида
Уста ётар мисоли ўлик...

Бир оздан сўнг, уни кўриб қолди
Жадал кетаётган табелчи.
Яқин келди юриб,
Қути ўчди кўриб,
Тепасида тўхтади пича.

Қўрқа-пуса томир ушлади,
Назарида, «тўхтамиш тақҡа...»
Ваҳма босиб бирдан бақирди:
— Ап-пон а-ма-ке,
Келинглар баққа!

Аппон ака эшитиб, дарҳол
Юқорига чиқди зовурдан.
Манглайга қўл қўйиб кўрди-ю,
Шудгор оша югурди бирдан.

Зовурдаги бутун бригада
Ишни ташлаб келишди шу дам.
Чумолидек, шу чоқ Устанинг
Атрофини ўради одам.

— Сув томизиш керак! Сув, ҳа, сув!
— Мамарасул, югур булоққа!
— Тиззага ол бошни, ҳой, Зеби!
— Чақиринглар раисни баққа!

Тупугини ғарғара қилиб,
Гап бошлади Аппон амаки:
— Э... Уста-е, нима қилар экан...
Уринипти, қилипти чакки!

Кеча-кундуз ҳаловати йўқ,
Колхозим, дер Устаси тушкур.
Бу иш маъқул.
Локин «локини» шу-ки,
Дардни ўзи қилипти мушкул.

Бунисига қўшилмаймиз биз,
Биздек кексаларга, бу — уят.
Танинг соғми?— Ишла виждон билан!
Касалмисан?— Уринма, тинч ёт!

## *Еттинчи боб*

### ЛЕНИН КОЛХОЗДА

Чигит экиб бўлгач, кўчма кино
Келиб қолди бизнинг колхозга.
Одамларга тўлди шинам бино,
Стуллар ҳам етишди зўрға...

Кечга яқин бозор бўлиб кетди —
Идоранинг олди — кенг майдон.
Саркотиб-чи! Стул етказолмай,
Чаккасини қашлади ҳайрон.

Идорадан стул ташиб чиқди,
Жой солинди супага дарҳол.
Қатор ўтиришди раис, Тўғон ота
Уста Ғиёс, котиб, Аппон чол...

Бирин-кетин қиз-жувонлар келди;
Ўсма-тасма; гул, ясан-тусан...
Томоқ қирди кимдир. Кўзи бежо.
Олма кесак терарди Дўсан.
Ориф-лайлак четдан ўз ерига
Қайтиб келиб ўтирди яна.
Зуҳур — пасон ўтиб қолди; ғарч-ғурч...
Чой қоғоздек шилдираб, ана!

Болалар кўп, кўкдан ёғилгандек,
Шовқин, чапак, қийқириқ, ҳуштак...
Аппон чолнинг невараси ҳам
Шовқин солар, бўлса ҳам муштдак.

Залу майдон тўла,
Дарчада ҳам одам,
Ёш-яланглар турарди тикка.
Уста Ғиёс секретарга боқди:
Секин туртди;
— Қандай картинка?
— «Ленин Октябрда».
— Ҳа, балли...

Чироқ ўчди,
Зал қоп-қоронғи,

Шовқин-гурунг тўхтади бирдан.
Оқ экранга тушди заррин нур,
Қуйма ҳарфлар:

**«ЛЕНИН ОКТЯБРДА»**

— Ленин бобо!— деди табелчи,
— Ўртоқ Ленин!— деди Ойимхон.

Тўғри, ана, табассум-ла, Улуғ
ЛЕНИН бизга қаради шу он.

Ҳамма тикиларди бир нуқтага,
Ленинdадир барчанинг кўзи.
Уста аппаратни ва экранни,
Техникларни... Барин унутди.
Кино эмас, Лениннинг ўзи!

Ана, ЛЕНИН!
Сўл қўли билан
Ушлаганди костюм ёқасин
Колхозчилар орасига кирди,
Юриб келди Устага яқин.

Бирдан ҳамма турди,
Ленин ўртада...
Ҳамма ўйлаб қолди ўз ишин.
Раис таклиф қилди далага:
— Марҳамат, Владимир Ильич,
Ишларимиз билан танишинг.
Ҳамма юрди аста дала томон,
Азиз меҳмон Ленин ўртада.
Ўнгда раис,
Сўлда Уста Ғиёс,
Тўғон ота, Аппон чол, Бўта...
Ана, текис пахта майдонлари,
Қатор тутлар,
Қўрғонлар,
Зовурлар..
Ғув-ғув учар тинмай асалари,
Колхоз тегирмони гуриллар.

Ленин билан бора туриб, йўлда
Уста қалби бирдан шув этди;
«Агар бултур келганида Ильич,
Роса уялардик,
Тоза қизарардик...»
Лекин Уста хаёлин бўлиб,
Бирдан туртиб қолди Аппон чол:
— Ёппирай, ҳув идорамиздаги
Суратларни худди ўзи-я.

Навбаҳорда, гўзал кунларда
Ленин бўлди колхозда меҳмон.
Колхозчилар ғоят шод бўлишди,
Юракларда яшар ўша он.

Ленин ҳурматлади кексаларни,
Ардоқлади аёл ва ёшни.
Колхозчилар билан суҳбатлашди,
Узоқ суҳбатлашди,
Ширин суҳбатлашди...

Далаларни кўрди Ленин бобо,
Маслаҳатлар берди бир талай.
Боғимизга кирди, бизнинг боғ
Гуллаб ётар эди. Дала бой.

Шундан бери колхозда юрар,
Ленин ҳақда ажиб ҳикоя.
Колхозчилар қўшиқ тўқиганлар,
Қўшиқларга йўқдир ниҳоя.

## ХАЛҚ ҚЎШИҒИ

Ленин колхозга келди,
Тўпладик барча элни.
Деди, колхоз гулласин!
Маҳкам боғладик белни.

Колхоз юксалсин дея,
Ишда билак толмади.
Кўп яшасин партия,
Келди халқнинг омади.

Дўппи тикдик тўрт гуллик,
Гуллари турлик-турлик.
Давримиздан ўргулай,
Қизларга берди ҳурлик.

Колхозимда илғорман,
Меҳнат куним ортиқдир.
Минг-минг тонна оқ пахтам,
Давлатимга тортиқдир.

## *Саккизинчи боб*

### УСТА ҒИЁС ВА МУХБИР

#### УСТА ҒИЁС

«Юз центнер, деб лоф урмайман,
Кимга керак бундай қуруқ ваъда.
Элликтани берамаи гектаридан,
Қўл қўйганман шундай деб, ҳа-да!

Турсунойнинг колхозини кўринг,
Отасига раҳмат шу қизнинг!
Ҳали бизда ёзадиган гап йўқ,
Ҳали ишларимиз кўп бизнинг.

Лекин, бу атрофда пачақ ер йўқ,
Колхозимиз ери — тилла ер.
Кафтдек текис,
Бўлиқ
Ва серсув,
Қайси деҳқон ерни ёмон дер?

Ҳамма нарса ишлашда қолган,
Рост, ишласанг тўқай бўлур боғ.
Ҳамроқулнинг колхозига бордим,
Колхоз деган бўлипти бундоғ.

Бизнинг колхоз янги,
Бу ерларда
Одам юрса қўрқарди, бироқ
Кўчиб келиб, қўриқни очдик,
Ишлай-ишлай ер қилдик, чироқ.

Одам юрса қўрқарди бунда,
Не-не машаққатларни кўрдик.
Лекин Райком хўп оталик қилди,
Қўриқ очдик, иморат қурдик...

Чиябўри кўз очирмади,
Молни нобуд қилди, талади.
Ҳатто ғажиб кетди гўдакни,
Ҳатто қозонгача ялади.

Иморат ҳам солдик ўзимиз,
Уста эдик Аппон билан ман,
Анов мактаб, уй, молхонани,
Тўғри, ука, ўзим қурганман.

Зайли келди темирчилик қилдим,
Биздан эди темирчи йироқ.
Дўкон очдим, битта шогирд олиб,
Ясай бердим кетмону ўроқ.

Асли ўзим деҳқон боласиман,
Пахта экиб кўтарганман қад.
Уста бўлдим, темирчилик қилдим —
Қаттиқ кунда қайишдим фақат.

Шу паллага етдик, одамимиз
Заҳмат чекди, елди-югурди.
Колхоз худди йўртмачоқ боладек
Неча қулаб, неча бор турди.

Қўшни колхозчилардан миннатдормиз,
Оғир кунда бўлди мададкор.
Лашкар бўлмас бехатар, дегандек,
Бу кунга ҳам етмаганлар бор...

Аммо, ука, ҳали колхозимиз
Ўйлаганингиздек эмас сизнинг.
Ҳали бизда ёзадиган гап йўқ,
Ҳали ишларимиз кўп бизнинг».

Пахтазорда тонги шамол ўйнар,
Ер четида гувиллайди сой.
Ғўза ичра қизлар қўшиқ куйлар,
Танга каби оқармишди ой.

Ғўза ичра қизлар қўшиқ куйлар,
Бийрон-бийрон айтади Ёқут.
Ана, Хушрўйбиби бошида
Қурти учун олиб келар тут.

Тамакидек қалин ғўза барги,
Қум-кўк,
Текис,
Бўлиқ ҳар бири.
Пахтазорга бошлаб кирди Уста,
Савол берар қишлоқ мухбири

**МУХБИР**

Ёмон эмас ғўзангиз, қаранг,
Кўсагини қийиндир санаш!

**УСТА ҒИЁС**

Ҳа, йигитча, шунинг учун ҳам,
Аталади бу пахта «Қанаш».
Агар шундай сорт бўлмаганда,
Элликтага қўймас эдим қўл.
Кўп қўл келди шу янги пахта,
Ҳосилни ҳам беради мўл-кўл...

**МУХБИР**

Ҳув... йигит ҳам сизданми, ота?

**УСТА ҒИЁС**

Эш — «аймоқи» деганимиз шу.
Бор бўлгур, зап азамат, бардам.
Юриши шу, иссиқ саратонда,
Аямажиз ачитганда ҳам.

Хўп азамат, барака топкур,
Шулар менга қанот, дўст, ёр.
Якка отнинг чанги чиқса ҳам,
Донғи чиқмас, деган гап бор...

Наригиси Зеби,
Терим пайти
Бу ерларда бўлмайди тенги.
Ҳув анави, Мамарасул-полвон,
У колхозга киргандир янги.

Йўқ, чироғим, ҳали ишимиз
Қониқтирган эмас ўзимизни.
Ҳали бизда ёзадиган гап йўқ,
Ҳали ишларимиз кўп бизнинг!

## *Тўққизинчи боб*

### УСТА ҒИЁСНИНГ ОРЗУСИ

Станция томон борарди
Колхоз аёллари кетма-кет.
Ясанишган эди улар тоза,
Қўлларида чиройли букет.

Кўча чангир...
Жиндек орқароқда
Семиз Ойша хола келарди.
Нафаси тиқилиб ҳаллослар,
— Тезроқ юринг!— Жувон чақирар,
Ойша хола бўлса куларди.

Ҳаво иссиқ. Чанг кўтарилар
Оёқлардан, от тақасидан.
Тер оқарди Ойша холанинг
Манглайидан, бағбақасидан.

Йўл четида, ғўза ичида
Уста Ғиёс туриб, сўради:
— Омонмисиз... йўл бўлсин, янга?
Устага ялт этиб қаради:
— Масков кетяпман. Меҳмонга...

—«Ҳа-ҳа,— деди секингина Уста,
Омад кепти, қандингни ур, ача!
Навбат келар бизга ҳам. Ишни
Эпақага солайлик пича...

УСТА ҒИЁС

Дам олинглар, чой қилиб берай?

ҚАМПИР

Бо-о-о, ош қилиб тўхтатолмайсан!

УСТА ҒИЁС

Қисталанг денг...

ҚАМПИР

Шундоқ, айланай Уста,
Қани қизлар, юринглар тез-тез!

УСТА ҒИЁС

Ҳай-ҳай... Оқ йўл! Омон бўлинглар!

ҚАМПИР

Хайр! Қани, қизлар, юринглар!
Колхоз аёллари боришарди
Ўзида йўқ шод,
Шодликлари зўр.
Ёш бир жувон қўшиқ айтарди;
Бошқалари бўлар унга жўр:

ҚЎШИҚ

Ипак рўмол бошимда ҳилпиллайди,
Давлатга топширганим оқ тиллайди.
Кийиб олдим Марғилон атласини,
Кўкрагимда орденим ялтиллайди.

Олтмиш қизнинг ичида отим Анор,
Пахтани топширганман қанор-қанор,
Севган ёрни йўлладим фронт сари —
Қалхатни ҳайдаётган бургутим бор.

Дарёнинг ўртасида сузар қайиқ,
Теримчинг борми чечан бизга лойиқ.
Теримчинг бўлса агар бизга лойиқ,
Боғлай мусобақа, кўрсин халойиқ.

Қуйлангиз хоним қизлар, чевар қизлар,
Бошларда ипак рўмол ҳилпилласин!
Қуйлангиз асл қизлар, донгдор қизлар,
Кўкракларда Юлдузлар ялтилласин.

Ўтиб кетди дала йўлидан
Бир туп аёл станция томон.
То қораси йўқолгунича
Уста қарар, қарарди ҳамон...

Москва сафарин ўйлаган йили
Режасини бузганди уруш.
Москва ҳақида узоқ ўйлайди,
Москва ҳақида гоҳо кўрар туш.

Ўғиллари қайтишар жангдан,
Курашларда тобланишиб хўп.
Лекин қонли кураш ўтидан
Қайтмай, қурбон бўлганлар ҳам кўп.

Оёғида ағдарма этик,
Оқ яктаги деҳқонларга хос.
Эсни танибдики, жўякда
Пахтакорлик отадан мерос.

Ғўзалари — боласи, қалби
Даладек кенг, пахтадек тоза.
Ман-ман деган деҳқонлар унинг
Режасидан олар андоза.

Лекин, афсус, то ҳалигача
Москвани кўрмаганди у.
Москвани, Улуғ Ленинни,
Бир зиёрат қилиб келишни
Кўп йиллардан қилади орзу.

Қанча-қанча расмлар кўрган,
Одамлардан эшитган бу чол.
Тўғри, расмларга қараб туриб,
Москвани танийди дарҳол.

Москвани кўрмабди ҳануз...
Москва сафарин ўйлар ҳар куни.

Аммо Москва Устани билар,
Яхши билар Москва уни.

### *Унинчи боб*

### САРАТОН

### I

Кўклам ёмғирида бодраб чиққан
Кўм-кўк, барра ўтлар қовжирар.
Колхоз пахтазори — океан,
Яшил барглар тинмай мавж урар.

Саратон бу. Еру сувимизни
Қиздиради, бўшашмас сира.
Аммо пиширади пахтамизни,
Мевамизга беради шира...

Қуёш гўё найза бўйида,
Дала ёнар мисоли хумдон,
Ҳансирар ва терлар, бўшашар —
Даладаги тирик ҳар бир жон.

Узун йўлда тупроқлар билқ-билқ...
Қўрдек жазза олар оёқни
Жазаваси тутиб, кўкдан қуёш
Ёндирмоқчи еру гиёҳни.

Шабада йўқ, ғир этган. Гўё —
Дала эрир қўрғошиндек жим.
Тек туради ғўза, қатор тутлар,
Беҳад дала ҳаммом каби дим.

Ана, томорқада бир туп товуқ,
Ҳансирашар, томоғи лиқ-лиқ...
Зовурларда бақа қуриллар,
Сувлар илиқ.
Ҳовуз,
Кўлмакларда —
Бижир-бижир ўйнар итбалиқ,

Ёнғоқ соясида ёнбошлаб ётар
Аппон чолнинг кўппаги, ана!

Ҳаллослайди, тили бир қарич...
Жаҳл билан жунларини тишлар,
Талар эди итпашша, кана...

Уста ғўза чилпир, терга ботиб
Ёпишганди этга яктаги·
Оғзи қурир, томоғи қақрар,
Қани бўлса сувнинг яхтаги!

Бошида оқ қалпоқ, қуёшнинг
Тиғасида қийналарди жон.
Томоқ қақрар, қани шундай пайтда,
Бўлса экан бир коса айрон...

Жадал борар даламизда иш,
Уста ишлар, ёнар пахтазор.
Шундай пайтда гоҳо хаёл суриш,
Ўйлашнинг ҳам ажиб завқи бор;

...«Ғиёс» эди, «Ғиёс ака» бўлди,
Ном олди у колхозчи деган.
Тарих билмас деҳқонларнинг шундай,
Шундай бахтли, азиз бўлганин.

Йиллар ўтди, «Ғиёс ота» бўлди,
Чиндан ишда қилар оталик.
Дўстлар уни «Уста Ғиёс», дейди,
Агрономлар дер: «Академик».

II

Ҳалол меҳнат қилди узоқ йиллар,
Чунки Ватан шуни кутарди,
Эллик ёшда колхозчи дўстлар —
Уни ҳосилотта кўтарди.

«Эртапишар янги сорт керак!
Ҳосили ҳам бўлсин жуда кўп...»

Уста ўйлар.
Ромашин ҳам ўйлар —
Тиндирса-да, кўзни микроскоп.
Чунки кузнинг намгарчиликлари
Ишимизга бермасин зарар!

Айни қизғин терим кунлари —
Ёққан шумшук қордан, алҳазар!

Шунинг учун керак эртапишар!
Бундай ният — жуда тўғри гап;
Ширрр... этганда, ўт тушмасин зинҳор
Пахтакорнинг анор бағрига.

Бу муаммо кўпга бормади,
Ташаббусни олди Ромашин.
Пахтакорнинг кепти омади!
Енгиллатди пахтакор ишин.

Селекция станциясидан
Пахтазорга чиқди «Янги сорт».
«Раҳмат сизга. Петр Иванович,
Бу ишингиз бўлди жуда зўр».

Расмларда кўрсатилган каби
Барги қалин, бақувват, тикка.
Ҳеч шубҳасиз,
Тақдим этилса,
Арзигудек лауреатликка.

Қуёш қизир, ғўза етилар,
Мевамизга беради шира.
Экилганди ҳамма ерларга
Ромашиннинг «эртапишари».

Селекция станциясида
Учрашишди икки қадрдон,—
Петр Ромашин билан Уста
Омонлаша кетишди бирдан.

Кўзларида бўлса кўзойнак,
Китобларин сони жуда кўп,
Столида турар қалин томлар:
Тимирязев, Вильямс, Лисенко.

«Миясида илми бир дарё...»
Ишда тутган Уста билганин.
Бизнинг Уста, ғўза дардин гўё
«Томир уришидан» билади.

— Соғлиғингиз қалай, шуни айтинг!
— Ёмон эмас, Пётр Иванович;
Яхши хабар келтирдим айтай!
Сиғмай кетди дилимга қувонч...
Яхши хабар иш натижаси.

Илмингизнинг қуввати, дўсти:
...Кўп йил экдим.
Лекин бу йил-чи?—
Ўз пахтамга келар ҳавасим!

Бу янги сорт — совет пахтаси,
Ғўза эмас бир яшил тилла.
Ростин айтсам, биздек деҳқонларнинг
Кўнглидагин топибсиз, балли!
Суҳбатлари чўзилди узоқ,
Суҳбат қуюқ бўлди жуда ҳам.
Тўпланишган эди уч ўртоқ:
Пахтакору, олим, агроном.

## *Ўн биринчи боб*

### ДЕЛЕГАТ

Ёз кунлари қандай гўзал далам,
Қушлар қўшиқлари авжида.
Оқшомлари, тушганда шабнам,
Ой нурида товланар жийда.

Далаларда оқшом қандай яхши!
Қандай яхши бизнинг олтин ёз!
Гоҳ ўткинчи ёмғир савалаши,
Булутларнинг шовқини ҳам соз.

Сув бўйидан гоҳо кўтарилар
Йигит, қизнинг шўх қаҳ-қаҳаси.
Қиз кифтида йигит костюми,
Қандай илиқ ёзнинг нафаси...

Йиллар ўтди, колхозимизда
Хўп кўпайди жўжаларимиз.
Отларни топиш қийин жуда,
Жуда гавжум кўчаларимиз.

Гўдакларга исм қўйиш каби,
Ишда гоҳо қийналар Ғиёс.
Тўғри!
«Муҳаммадқул» ёки «Шокабир»—
Бизнинг болаларга келишмас!
Қўзиқорин каби потиллашиб —
Қад кўтарди бир қатор бино.
Қуриб олди мардлар боплашиб
Кўчма эмас, доимий кино.

Каналларда сув оқар лим-лим,
Турбинлардан ўтар бир анҳор.
Яшил водий нақадар сўлим,
Даламизда абадий баҳор.
Олойдаги олмоссимон қор,
Чўққиларда ўйнаган шунқор,
Тоғдан оқиб тушган шалола,
Адирларда қип-қизил лола,
Мангу яшил арчазор тоғлар,
Тизза бўйи кўм-кўк ўтлоқлар,
Денгиз каби буюк пахтазор,
Водийдаги яна неки бор,
Бари, бари — гуллаган ўлка,
Уста Ғиёслар билан кўркам!

Халқ йўллади уни Москвага,
Уста Ғиёс — халқ делегати.
Бир кундаёқ Фарғона бўйлаб,
Дув тарқади унинг шуҳрати.

Учиб борар улкан самолёт,
Дарёлардан, тоғлардан оша...
Қолиб кетар ортда булутлар,
Ўрмонлардан, боғлардан ошар.
У ўтади Тошкент устидан;
Шаҳар тунда мисоли кундуз.
Йилтиллайди, еру кўк-юлдуз...

Шаҳарлардан ошар гуриллаб у,
Бир дақиқа тўхтамас мотор.
Бизнинг замин шунчалар улуғ,
Уча-уча моторлар толар.

Уста боқар, зерикмас қараб,
Булутларни кесар қаноти.
Бутун улуғ мамлакат бўйлаб,
Мавж уради тинчлик меҳнати.

Яқинлашар,
Жуда яқинлашар
Москвага,
Салом, жонажон!
Тўлқинланар Уста Ғиёс қалби,
Юрагини қучар ҳаяжон.
Уста ўйлар, хаёл сурар, сўзлар
Булут узра, уч минг метрда.
Гўё яна, яна кўтарилар,
Бундан кўра баланд минбарга.
Чироқларга
ва минг-минг нафар —
Қардошларга тушади кўзи.
Беихтиёр шу пайт, отилиб
Юрагидан чиқади сўзи:

«Москва, азиз дўстларимга,
Ғолиб пахтакорлардан салом!
Рухсат этсин Колонна Зали,
Зафаримдан бошлайман калом —
Биз юксалдик юртга содиқ бўлиб,
Жонажон партия берди бахт.
Биз юксалдик,
Раҳмат сенга қалбдан
Москвамиз — улуғ пойтахт!
Москва — бахт, тинчлик демакдир,
Кишиликнинг сўнмас қуёши.
Жаҳон халқларининг бахтига,
Москвамиз, миллион йил яша!»

## ХОТИМА УРНИДА

Йиллар ўтиб кетди турна қатор...
Неча мавсум ўтди чаманда.
Баҳор келди яшнаб неча бор,
Достоним ҳам битди, чамамда.
Пахтазорга отландим яна,

Кўз олдимда гавдаланди у.
Лекин кўриб қолдим Қурултойда,
Жуда ширин ўтди учрашув.

Уста ҳали тетик, тўлишган,
Яктак эмас, костюмда. Бироқ
Кексаликка қўйган у бўйин.
Гаплашгандай андак сергапроқ...

Оппоқ пахта бўлган соч-соқол,
Қадимгидек қип-қизил юзи.
Қадимгидек хушчақчақдир чол,
Кўкрагида Олтин Юлдузи.

Бу эмасдир машҳур Уста Ғиёс,
Ҳамда гўзал Фарғона нақли.
Дўмбирамнинг пардалари содда,
Қоникмаса дўстларим ҳақли...

*1946 йил.*

## ҚАДРДОНЛАР

### КИРИШ

Тонг отишида юрганмисиз шахдам,
Зўр гудоклар урганида бонг,
Асфальт йўлга тўлганда одам,
Шаҳримизда отганида тонг?
Трамвайлар янгроқ звоноги,
Дугалардан учганда кўк нур,
Аллеяда фонарлар таги
Файзли тонгда берганда ҳузур,
Вагонларнинг тез чопишидан
Кашф этганда ажиб бир оҳанг...
Борганмисиз бизнинг заводга,
Оппоқ бўлиб отганида тонг?
Ойнисахон борар завод томон,
Кекса ишчи. Севикли она.
Юзларида нечун ҳаяжон?
Нечун бугун қалб ўтда ёнар?
Нечун? Қани, азиз ўқувчим,
Юр, борайлик она қалбига.
Қалб ороми бузилган нечун?
Ойнисахон қайғирар нега?
Илдизидан кўкарар дарахт,
Япроқлар нур эмар қуёшдан...
Она ҳақида қўшиқ айтмоқ бахт!
Биз қўшиқни бошлаймиз бошдан;

### БИРИНЧИ ҚЎШИҚ

I

Қаҳратон совуқ эди,
Музлаб қолгандек жаҳон...